



XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 18 - oktabr

VI-37-42-11-161-K/21

O'zbekiston tuman hokimligi

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш масадида Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Очик бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5250-сонли Қарорига асосан, жорий йилда ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида фуқаролар томонидан келиб тушган ўринли ва долзарб муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этилишини таъминлаш ҳамда ғолиб таклифлар сонини кўпайтириш учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан “Фуқаролар ташаббуси жамғарма”сига қўшимча маблағлар ажратилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори асосида жорий йилнинг 1-июлидан 2-сентябрга қадар ўтказилган уч босқичдан иборат жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш жараёни натижалари бўйича туман ҳокимлиги молия бўлими мудири в.в.б. М.Рўзиматовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ишчи гуруҳ хулосаларига асосан, Молия Вазирлигининг 2021 йил 6 сентябр кунги “Туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниқлаш юзасидан” қўлланмаси талаблари асосида, ЭНГ КўП овоз олган, жумладан

- Овчи МФЙ Махалла кўчаларини асфалт қилиш (ID: 1440300062)
- 46-умумий ўрта таълим мактабига замонавий хожатхона ва футбол майдончаси қуриш (ID: 1440300063)

- 10-умумий ўрта таълим мактабига ҳожатҳона қуриш
(ID: 1440300051)
- 18-умумий ўрта таълим мактаб ҳожатҳонасини қайта таъмирлаш
(ID: 1440300105)
- 47-умумий ўрта таълим мактаби эшик ва ромларини таъмирлаш
(ID: 1440300099)
- Ўзбекистон тумани Бузукўрғон МФЙ Нурафшон кўчасини асфалтлаш (ID: 1440300026)
- Охта-тағоб МФЙда жойлашган 62-ДМТТ биносини мукаммал таъмирлаш (ID: 1440300064) таклифлари “Ғолиб” деб топилсин ва ушбу таклифларни молиялаштириш бўйича “Манзилли рўйхат” иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда ижро учун қабул қилинсин.

Бунда,

- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмаслик;

-Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган туман бюджети маблағлари туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағида жамланган маблағларни бошқа мақсадларга сарфланиши тақиқланиши белгилаб қўйилсин.

4. Тасдиқланган Манзилли рўйхат асосида:

-Туман ҳокимлиги Молия бўлими (М.Рўзиматов) танлаб олинган тадбирларни молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида, буюртмачи ташкилотларига тегишли маблағ манбаси бўйича (4017) “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” махсус ҳисоб рақамлари очилишини;

-Туман ҳокимлиги ҳисобхонаси (А.Хошимов) Жамғарма маблағлари ҳисобидан тегишли буюртмачи ташкилотларга маблағлар йўналтирилишини;

-Бюртмачи ташкилотлар ажратилган маблағларни лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда мақсадли ишлатилиши ва амалга оширилган ишлар бўйича Ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ишчи гуруҳга маълумот киритиб борилишини таъминласин.

5. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (Д.Жабборов) ва туман молия бўлими (М.Рўзиматов) билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва “Ғолиб” деб топилган тадбирларнинг молиялаштириши ҳамда амалга оширилиши лозим ишлар бўйича маълумотларни “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилиши ва кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани кенгашининг 2021 йил 8 октябрь кунги VI-34-49-11-161-К/21-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Туман бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

8. Мазкур баён ижросини таъминлаш ва назорат қилиш комиссия аъзолари зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi



Ш.Юлдашев

Халқ депутатлари Ўзбекистон туман кенгашининг
2021 йил 18 октябрдаги
VI-37-42-11-161-К/21-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон тумани бўйича 2021 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича
МАНЗИЛИ РЎЙХАТ

№	Ҳалиб тақлиф маълумотлари				Шундан				Буюртмачи ташкилот
	Тақлиф ID рақами	Қисқача мазмуни	Тўндалган овозлари сони	Амалга оширилган киймати	Ҳақиқатда жами ажратилган маблағ	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаалари ҳисобидан	Бюджет параметри	
"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ					x	1 979 389	x	x	x
"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да тақсимланмаган маблағ					x	0	x	x	x
1	1440300062	Овчи МФЙ Маҳалла кучаларини асфальт қилиш	5578	500 000	500 000	500 000			Туман ободонлаштириш бошқармаси
2	1440300063	Ўзбекистон тумани 46-умумий о'рта та'лим мактаби замонавий ҳожатхона ва футбол maydonchasi qurish	5399	200 000	200 000	200 000			Туман халқ таълими бўлими
3	1440300051	10-мактабга ҳожатхона қуриш	3214	176 000	176 000	176 000			Туман халқ таълими бўлими
4	1440300105	18-мактаб Хожатхонасини қайта таъмири	3156	180 000	180 000	180 000			Туман халқ таълими бўлими
5	1440300099	Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани 47-мактаб эшик ромларини таъмирлаш	2626	500 000	500 000	500 000			Туман халқ таълими бўлими
6	1440300026	Ўзбекистон тумани Бuzuqo'rg'on MFY Nuraфshon ko'chasini asfaltlash	1632	272 000	272 000	272 000			Туман ободонлаштириш бошқармаси
7	1440300064	Охта-тағоб MFYda joylashgan 62-DMTT binosini mukammal ta'mirlash	1214	200 000	200 000	151 389	48 611		Туман мактабгача таълим бўлими
Жами					2 028 000	2 028 000	1 979 389	48 611	0